

O'ZBEKISTON  
RESPUBLIKASI  
MILLIY TAPILMAKCHI  
INV. №

Хақсевар, она юрт, мангу бўл обод!



# ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2003 йил 12 ноябрь, чоршанба

№82 (11.583)

Эркин нархда сотилади

«ЎЗМЕТКОМБИНАТ»:

## ТАЪМИНОТДА УЗИЛИШ БЎЛМАСИН

Бекободда Қора ва рангли металллар парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш ҳамда қайта ишлашга топширишни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича республика комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. «Ўзметкомбинат»ни иккиламчи хомашё билан таъминлашнинг октябрь ойи якунларига бағишланган мазкур йиғилишда вазириликлар, идоралар, уюшмалар, ҳудудий бошқарув органлари, иккиламчи металл хомашёси йиғиш ва топшириш билан шугулланувчи бошқа ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, мазкур комиссия раиси И.Жўрабеков бошқарди. «Ўзметкомбинат» республика ҳукумати ёрдами ва миқозлар билан яқин ҳамкорлик туфайли бир маромда ишламоқ-

да. Қурилиш объектига тайёр металл прокати етказиб бериш, экспорт ҳажмини ошириш имконияти шу тариха кенгаймоқда. Айни пайтда корхонани хомашё билан таъминлаш масаласи долзарб вазифалардан бири бўлиб турибди. Иккиламчи ме-

талл парчалари тайёрлаш ва етказиб беришнинг моддий манфаатдорлигини ошириш борасида талай амалий чоралар белгиланмоқда. Хусусан, хомашё харид нархлари йил бошидаги нисбатан 2-2,5 баравар оширилди.

Бекобод металлургияси октябрь ойида ўз ҳамкорларидан 50 минг тонна ўрнига 41,9 минг тонна хомашё қабул қилиб олди. Бу борадаги ҳукумат топшириғи 84 фоиз адо этилди. Хоразм вилояти ва Тошкент шаҳридан ташқари, барча ҳудудларда иккиламчи металл хомашёси тўплаш ва қайта ишлашга топши-

риш ҳукумат топшириғи тўла бажарилмади. Йиғилишда Жиззах, Бухоро, Қашқадарё, Сирдарё вилоятларида бу борадаги ишлар сусайтириб юборилгани қаттиқ танқид қилинди. Ваҳоланки, мазкур ҳудудларда иккиламчи металл хомашёси тўплаш имконияти катта. Комиссия йиғилишида иккиламчи металл хомашёси тайёрлаш ва қайта ишлашга топшириш борасидаги умумий аҳвол қониқарсиз, деб топилди. Масъулиятни бўшатириб юборган мутасадди ташкилотлар раҳбарлари жиддий оғохлантирилди. Октябр ойида етказиб берилмаган металл парчалари ва чиқиндиларини ноябрь ойида қоплаш, бу борадаги ҳукумат топшириғини сўзсиз бажариш юзасидан зарур таъсирлар берилди.

Йиғилишда Тошкент вилояти ҳокими У.Мирзақулов иштирок этди.

Неъмат ДУШАЕВ,  
ЎЗА мухбири.

## МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

Мамлакатимизга ташир буюрган АКШ давлат қотибнинг Европа ва Евроосиё масалалари бўйича ёрдамчиси Элизабет Жонс ва АКШ давлат қотибнинг демократия, инсон ҳуқуқлари ва мекнат масалалари бўйича ёрдамчиси Лорн Крейнер Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев билан учрашди.

Музокарада Ўзбекистон ва АКШ ўртасида икки томонлама алоқаларни ва халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни кучайтириш, минтақавий хавфсизлик, халқаро террорчилик ҳамда гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши биргаликда курашишга оид ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ў.А.

Ҳуқороларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар

## МАСЪУЛИЯТ ВА ТАЛАБЧАНЛИК

Янгийўл шаҳри маҳаллаларида бўлиб ўтаётган сайловнинг асосини ташкил этмоқда



Шу кунларда мамлакатимизда муҳим сиёсий жараён кечмоқда. Жумладан, вилоятимизнинг ҳар бир шаҳар ва туманлари аҳолиси ўз маҳалла, қишлоқ, овул, шаҳарча оқсоқолларини, уларнинг маслаҳатчиларини сайламоқда.

— Мустақиллик йилларида ўзини ўзи бошқариш органи — маҳалланинг мавқеи тобора ортиб бормоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамғармаси Янгийўл шаҳар кенгашининг раиси Бахтиёр (Давоми 2-бетда).

## МАРКАЗДА БЕШ КУНЛИК ЎҚУВ

Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг услубий ўқув марказида ўшбу жамиятнинг Тошкент вилоят кенгаши ҳамда Фавқулодда ҳолатлар бошқармаси ҳамкорлигида «Фавқулодда вазиятларда маҳалла аҳолисини муҳофаза қилиш» мавзусида беш кунлик машғулот бўлиб ўтди.

Унда вилоятимизнинг барча туманларидан қишлоқ фуқаролар йиғинларининг раислари ва педагог-тарбиячилари иштирок этди. Семинарда табиий офатлар юз бериши мумкин бўлган ҳудудларда қандай қилиб аҳолини хавфсиз жойларга кўчириш, уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ҳақида тушунтиришлар олиб борилди. Шунингдек, айни ёгингарчиликлар бўлиб турган пайтда аҳолини оғохлантириб, биринчи навбатда уларнинг ўзларига тегишли анжомлар ва ҳужжатларни тайёрлаб тахт қилиб қўйишлари ҳам лозимлиги айтиб ўтилди.

Ўз мухбиримиз.

## УНВОН ВА МУКОФОТЛАР ОЛИШДИ

Вилоят ички ишлар бошқармасида милиция ходимларининг табири бўлиб ўтди.

Унда яқин кўрсаткичларга эришган тўрт нафар ходимга Ички ишлар вазирлиги томонидан муддатидан илгари унвон берилди. Яна 10 нафар ходим эса мукофотлар билан тақдирланди. Хизмат ўташ даврида фожияли халок бўлган ходимларнинг оилалари ҳамда ички ишлар бошқармаси фахрийлар кенгаши аъзолари моддий рағбатланрилди.

Камалиддин АСҚАРОВ.

Пахта — 2003

## УЧ ХЎЖАЛИК МАРРАГА ЕТДИ

Таъкидлаш жоизки, бу йил ҳосил салмоғининггина эмас, айни вақтда унинг эрта пишиб етилишини ҳам кўзлаб иш тутган хўжаликлар муваффақият қозонмоқда. Жумладан, Бўка туманидаги «Бўстон» ширкат хўжалигининг 164 нафар оилавий пудратчиси ҳам ёз бўйи шу мақсадда меҳнат қилди. Натижада, 540 гектар майдонда ҳам мўл, ҳам эртаки ҳосил етиштиришга эришилди.

Хўжаликда йиғим-терим ҳам уюшқоқлик билан олиб борилди. 1700 киши қўл теримида иштирок этди.

— Улар терган пахта-

лари учун ҳар беш кунлик якунида қанда қилмай, нақд пул олишларини таъминлаш учун бутун чораларни кўрдик, — дейди бошқарув раиси Си-

рождин Валиев. — Натижада, терим суръати юқори бўлди.

Дарҳақиқат, моддий манфаатдорлик йиғим-теримнинг оммавий тус олишини ва тўла сафарбарликни таъминлади. Дилдора Бобоева, Фатхилла Бобоев, Маъмур Ахмедов, Инобат Мақсудова, Холбуви Хамроева сингари чевар теримчилар ҳар беш кунликда ўртача 800-900 килограмдан пахта териб, 80-100 минг сўмдан даромадли бўлдилар.

Давлатга сотилган 1350 тоннадан зиёд пахта хом ашёсининг асосий қисми биринчи навга қабул қилинди. Демак, хўжаликнинг пахтачиликдан қиладиган даромади ҳар йилдагига нисбатан анча салмоқли бўлади. Хўжаликнинг умумий хирмонига 20-30 тоннадан сифатли ҳосил тўлган М. Собиров, А. Мирхаликов, Н. Турсунов, З. Валиев, З. Йўлдошев каби илгор пудратчилар меҳнатлари га яраша мўмай даромад оладилар.

«Пскент» ширкат хўжалиги йиғим-терим суръати бўйича туманда пешқадамлар сафида бормоқда. Бу бежиз эмас. Тажрибали пахтакорлар раҳбарлик қилаётган пудратчилар ички шартнома режаларини бажариб, умумий хирмонга барака киритмоқдалар.

Умарали Агманов бошлиқ оилавий пудратчилар режани хўжаликда биринчилардан бўлиб бажардилар. 76 гектар майдондан 220 тоннадан зиёд ҳосил йиғиштириб олинди. Ҳосилдорлик 28 центнердан ошди. Йиғим-терим эса давом эттирилмоқда. Олмалик шаҳридан ташриф буюрган 100 нафардан зиёд кўнгилли хашарчиларнинг ёрдами, айниқса, баракали бўляпти.

СУРАТДА: (чапдан ўнга) бўлим бошлиғи Мўмин Собиров билан бош пудратчи Умарали Агманов.

Даврон АҲМАД олган сурат.



\*\*\*

Бу йил Қуйчириқ тумани пахтакорлари ҳам баракали меҳнат қилдилар. Кейинги беш кунликларда қуйчириқликлар кунлик суръатга зўр бериб, мавсум пешқадамлари даврасига қўшилдилар. Хўжаликлар ҳам шартнома режасини бирин-кетин бажара бошлади. Ҳар йилгидек, биринчилик «Тошовул» га насиб этди. Ширкат хўжалиги пахтакорлари бутунги кунгача 2340 тоннага яқин пахта сотиб, режани 105 фоиздан ошириб бажардилар. Ҳосилдорлик 28 центнерга етди. Усканбой Абдусаматов, Нишонбой Аширбоев бош бўлган пудратчилар эса, 30 центнердан оширдилар.

«Ўжакент»ликлар туманда режани иккинчи бўлиб бажардилар. 845 гектар майдондан шу кунгача 2230 тоннадан зиёд ҳосил йиғиштириб олинди. Мақсуд Боқиев, Фафур Мажинов, Улугбек Мамадалиев, Марат Рўзматов сингари тажрибали пудратчилар умумий хирмонга баракали ҳисса қўшилдилар.

Самад ЙЎЛДОШ.

## ЭЛГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ БАХТИ

Тошкент туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Искандар ФОЗИЛОВнинг портретига чизгилар

Вилоят фаолларининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги долзарб масалаларни муҳокама қилишга бағишланган йиғилиши ниҳоясига етиб борарди. Шу вақт маърузачи бироз тин олган, илгор хўжаликлар номини

бирма-бир санаб ўтди. Уларнинг орасида Охунбобоев номли ширкат хўжалиги ҳам бор эди. «Раҳмат, сизга, раис, биз хўжалигингизда олиб борилаётган ишлардан жуда мамнун бўлдик. Айниқса, катта миқёсдаги қурилишлар таҳсинга лойиқ. Биродарлар, бу кишидан ҳар қанча ўрнат олсангиз, тажрибасини ўрга-

ниб, қўлласангиз кам бўлмайсиз».

Залининг бир чеккасида қимтинибгина ўтирган Искандар Фозиллов бу мақтовлардан ўнғайсиланди. Ҳамма қилган ишни биз ҳам қўляпмиз-да, деб қўйди ўзига ўзи. Ҳаёл уни узокларга олиб кетди. У деҳқон оиласида туғилди. Шунинг учун бўлса керак, ёшлигидан бошлаб дала ишларига ихлос қўйди. Ўзининг меҳнатсеварлиги, ангилликларга қизиқувчанлиги билан эл-юртга танила борди. Бу орада олий маълумотли ҳам бўлди. Бригада бошлиқ қилиб тайинланди. Кўп ўтмай, хўжалик раисининг ўринбосари лавозимига кўтарилди. У раҳбарлик «сир»ларини Гани Валиев, бошқарувга узоқ йиллар раҳбарлик қилган раҳматли Зоирхон Жалиловдан ўрганди. Зоирхон ака шогирди билан суҳбатлашганда ўз тажрибаларини эринмай ўргатар, раҳбарликдан сабоқ беради.

(Давоми 3-бетда).



Ҳамкорлик робиталари

## КЎРДИК, ТАНИШДИК, ТАЖРИБА АЛМАШДИК

Жанубий Корея ҳақида кўп эшитганман. Аммо, минг эшитгандан бир бор кўрган афзал экан.



Корея халқининг бугунги ҳаёти, ижтимоий-иқтисодий ривожини, хотин-қизларнинг жамият, давлат тараққиётидаги ўрни ва бошқа тажрибаларни ўрганиш мақсадида ушбу юрда бўлди. Ташриф давомида жуда кўп таассуротлар қалбимизга муҳрланди.

Сафар жараёнида Кореядаги бир неча хотин-қизлар ривожланиш марказлари фаолияти билан танишдик. Уларнинг ўз олдига қўйган вазифалари бизни қизиқтириб қўйди. Барча хотин-қизларга уларнинг интилишлари ва қобилиятларини юзага чиқариш учун ёрдам бериш ва етказиларни тайёрлаш ушбу тузилмаларнинг асосий

(Давоми 2-бетда).

AZIZ D'OSTLAR!

Эслатиб ўтамыз: бизнинг индекс — 205.

Республика почта алоқа бўлимлари ва газета дўконларида, «Матбуот тарқатувчи» вилоят, туман ва шаҳар бўлимларида 2004 йил учун бошқа нашрлар қатори «ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ»га ҳам расмийлаштирилиши давом этмоқда.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ» — СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ!

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар

# МАСЪУЛИЯТ ВА ТАЛАБЧАНЛИК

### Янгийўл шаҳри маҳаллаларида бўлиб ўтаётган сайловнинг асосини ташкил этмоқда

Мирзалиев. — Бунинг боиси, ҳукуматимиз томонидан маҳалла раванга бўлган узлуксиз эътибордир. Чунки, турмуш билан боғлиқ барча масалалар, муаммолар маҳаллада, оқсоқоллар кенгашида бамавсат ҳал бўлади. Демак, кенгаш қошида халқ ишонган, ўзи сайлаган оқсоқол изланувчан, ташаббускор, маслаҳат кенгаш аъзолари эса, фидойи бўлмоғи лозим.

Бугун янгийўлликлар ана шу жараённинг ташкилотчилари — оқсоқол ҳамда фаолларнинг ҳисобот даврида амалга оширган ишлари юзасидан ҳисоботларини талабчанлик билан тинглаб, бажарилган ишларга муносиб баҳо беришмоқда. Янги мунддатга сайлов ўтказишмоқда. Жумладан, Фарҳод, Нодирабегим, Олтинобод, Муस्ताқиллик, Рамадон маҳаллаларида ана шундай ҳисобот йиғилишлари бўлиб ўтди. Утган мунддатда маҳаллаларнинг паспортлари янги маълумотлар билан тўлдирilib, қайта ишланди. Кўп болали, кам

таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, ногиронларга, уруш қатнашчиларига бўлган эътибор сувайгани йўқ. Байрамларда жамғарма жамоат ташкилотлари билан биргаликда хайрли ишларга қўл урляпти. Аҳолига бир қатор қулайликлар яратилди. Жумладан, Муस्ताқиллик маҳалласи айрим кўчаларининг аҳолиси газ босими камлигидан биров кийналади. Яқинда бу муаммо ҳам бартараф этилиб, босим бир маромда бўлиши таъминланди. Самарқанд кўчаси қайта тасмириланди. Рамадон маҳалла марказида гузар янги қиёфада қад ростлади. Маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари фойдаланишга топширилди. Ёш спортчилар учун зал керакли анжуманлар билан тўла жиҳозланди. Ҳар бир маҳалла кўмитасида еттига комиссия фаолият олиб боради. Уларнинг уч нафардан беш нафаргача аъзолари бор.

Бугунга келиб, Фарҳод маҳалласида олти ярим минг нафардан зиёд, Нодирабегим маҳалласида уч минг тўрт юз нафардан ортиқ, Рамадонда тўққиз минг нафарга яқин, Олтинободда уч минг беш юз

нафар, Муस्ताқиллик маҳалласида эса, тўрт мингдан зиёд аҳоли яшайди. Бу эса, ҳар бир оқсоқол кўмита фаоллари зиммасига катта масъулият юклайди. Айниқса, сайлов арафасида уларнинг фаолиятига ҳолис баҳо бериш билан бирга янги талаблар қўйилмоқда.

Сайловчилар ҳисобот жараёнида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, янги-янги таклифлар, ташаббуслар билан чиқишаётган, муҳим вазифалардан бири — воёга етмаганлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратилаётган.

Бўлиб ўтган сайловда Фарҳод маҳалласи оқсоқоли Маъруф Ҳасановга яна бир бор ишонч билдирилиб, янги мунддатга сайланди. Олтинобод маҳалласига тadbirkor, олий маълумотли Ёқубжон Кўчқоров, Муस्ताқиллик маҳалласига Эргаш Каюмов, Рамадон оқсоқолига тажрибали муаллим Баҳром Қаримов, Нодирабегим маҳалласига Худойберди Темиров оқсоқоликка муносиб топилди.

Ҳасанов САБДУЛЛАЕВ,  
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

# МУНОСИБЛАРГА ОВОЗ БЕРДИК

Кейинги йилларда маҳалла жамиятининг муҳим бўғинларидан бирига айланди. Сабаби шундаки, инсон туғилиб, эсини таний бошлагандан, то умрининг охиригача шу муъжизага Ватан — маҳаллада ўсиб улғаяди, дусту биродар орттиради. Яхши ва ёмон кунларини ҳам шу ерда, маҳалла аҳли билан баҳам кўради.

Шундай экан, бу ерда истикомат қилувчи ҳар бир шахс унинг тинчлигига, ободончилигига, қурилиш ишларига ва худуднинг ораста, кўркам бўлишига ўз ҳиссасини қўшиши шарт. Бунинг учун эса, маҳаллаларнинг барчасига халқнинг бошини қовуштира оладиган, уларнинг дардларини тинглаб, баҳоли қудрат ёрдам қилини чўза оладиган оқсоқоллар керак. Чунки ҳозирги вақтда маҳаллага зурак тайинланган оқсоқол ишлаш олмайди. Боиси, халқ унинг қўлидан иш келмаётганини очик-ойдин айтиб, етакчиликдан озод қилади.

Бизнинг қишлоғимизда ҳам фуқаролар

ийгини раиси ҳамда оқсоқоллари томонидан ободонлаштириш борасида катта ишлар амалга оширилди. Халқ оёқ-қўлига йўлида, маиший хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам таҳсинга сазовор юмушлар бажарилиди. Эндиликда бу оқсоқоллар халқ дардини тушуниб етди. Маҳалла аҳли улғайга суяниб, ўз муаммоларини маслаҳат билан ҳал қилаётган бўлди. Бўлиб ўтган сайловда халқ яна бир бор ишончини оқлаётган ана шундай оқсоқолларга овоз берди.

Азим СЕРИКБОВ,  
Зангиота туманидаги Хонобод қишлоғи меҳнат фахрийси.

## Ҳамкорлик робиталари

# Кўрдик, танишдик, тажриба алмашдик



мақсадини ташкил этади. Утказилган машғулотлар ранг-баранглиги билан иштирокчиларни ўзига жалб этади. У ерда аёлларга лойихалар тайёрлаш, интернет мутахассислиги, компьютерни дастурлаш, миллий кадрларни асраб-авайлаш, давлат тизимида ишлаш учун билим ва тушуновлар бериб борилади.

«Qyelongpi-do» хотин-қизлар ривожланиш маркази

зида тасвирий санъат ва расомлик секциясига қатнашаётган аёлларнинг ёшларини кизикиб сўрайди. Уларнинг барчаси эликдан ошган, 60-75 ёшлардаги аёллар эди.

— Биз невараларимиз тарбияси билан шуғулланишга қолмай, ўз савиямизни ошириб борамиз. Ўзимизнинг маънавий билимимиз бой бўлмаса, улғайга нимани ўргатамиз! — деди улардан бири.

Ҳа, ёшлари бир жойга борганда, ҳафсала билан расомлик сирларини ўрга-

наётган аёлларга ҳавасингиз келади. Айнан фаолиятлари сўсайган, ўзимизнинг тилда айтганда, болалари ташвишларидан қутулган аёллар марказларга кўпроқ жалб этилган. Улар кексаларини бўйинларига олмай, компьютер ёнида, жаҳон тилларини ўрганиш билан машғул эдилар. «Qyelongpi-do» хотин-қизлар ривожланиш марказида ёш

## Эртага — Жаҳон сифат кун

Сифат инсон ва жамият турмушининг даражасини белгиловчи етакчи омил ҳисобланади. Бугунги мулкчилик шаклининг хилма-хиллиги шароитида сифат масаласи, айниқса, долзарб тус олмақда. Уни таъминлаш илмий ва ижодий кўчлар, малакали мутахассисларнинг амалий тажрибасини тўла даражада қовуштиришни тақозо этаётган. Зеро, ички бозорнинг ҳозирги очиклиги шароитида товарлар ва хизматларга бўлган эҳтиёж даражаси нихоятда ошиб бормоқда.

Бозор талабларининг таъсири, товарлар ва маҳсулотларни танлаш имконияти, тобора кескин тус олиб борувчи рақобат — буларнинг ҳаммаси ишлаб чиқарувчиларни даставвал маҳсулот сифатини яхшилаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга мажбур қилмоқда. Сифат бозор иқтисодиёти шароитларида сақланиб қолиш ва барқарор раванқ топиб боришнинг ягона йўли эканлигини англаб етган фирма ва корхоналар бу соҳага сарфлаётган куч ҳамда маблағлар самарасини кўра бошладилар. Улар ўз иқтисодиётларини барқарорлаштириб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар вақтида сотилишига эришмоқдалар, ўзлари учун зарур истеъмол доирасини яратишга муваффақ бўлмоқдалар.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, хўжалик юртишининг янги шароитлари халқ хўжалиги масалаларини ҳал этишга янги-янги эндошувларни тақозо этаётган. Табиийки, бу ҳол стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш соҳасида ҳам жиддий ўзгаришлар заруратини келтириб чиқарди. Булар Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида», «Метрология тўғрисида», «Маҳсулот ва хизматларнинг сертификатлаш тўғрисида» ва «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни, бошқа меъёрий ҳужжатларда ўз ифодасини топди. Улар МДХ давлатларида амалда бўлган қонун ҳужжатлари ва халқаро

# СИФАТ — МАҲСУЛОТ КЎЗГУСИ



стандартлар билан уйғунлаштирилганлиги товар ишлаб чиқарувчилар учун катта имкониятлар очмоқда. Бугун мамлакатимиз корхоналарида халқаро ва давлатлараро стандартлар, Ўзбекистон Республикасининг давлат стандартлари, тармоқ стандартлари, техникалий шартлари, корхоналарнинг стандартлари, хорижий мамлакатларнинг миллий стандартлари амал қилаётган. «Ўзстандарт» агентлиги томонидан бу ҳужжат-

ларни қўллашнинг қатъий тартиби белгилаб қўйилган. Бизнинг вилоят стандартлаштириш ва метрология бошқармаси маҳсулот сифатини оширишни диққат марказида тутиб, стандарт талаблари ва метрология қоидаларига риоя этилиши устидан давлат назоратини кучайтираётган. Чунки, шу йилнинг ўтган

тўққиз ойида 103 та корхонада сифатни яхшилаш ишлари устидан давлат назорати амалга оширилди, 301 номдаги маҳсулот сифати текшириб чиқилди. Афсуски, уларнинг 68,4 фоизи меъёрий ҳужжатлар талабларига жавоб бермаслиги аниқланди. 83 ҳолатда бу маҳсулотларнинг сотиш, 13 ҳолатда эса ишлаб чиқариш тахлиб қўйилди. Вилотиимизнинг кўпгина ийрик корхоналарида метрологик хизматнинг

маҳоратини ҳам эгаллаш фойдадан холи эмас.

Шу боис бугунги кунда тизимда ҳар томонлама етук кадрларни тайёрлаш борасида барча имкониятлар ишга солиняпти. Айниқса, замонавий таълим мазмуни, методлари ва воситаларини ўз ичига қамраб олган янги педагогик технологияларни жорий этишга жиддий эътибор қаратишмоқда.

Солиқ органлари кадрларини тайёрлашда янги шундай илгор ўқув усулларини таълим тизимига жорий этишга жиддий эътибор қаратилади.

Уч кун давом этадиган мазкур анжуманда янги таълим усулларини тизимга татбиқ этишга оид мавзуларда маърузалар тақдим этилади.

Норгул АБДУРАИМОВА,  
ЎЗА мухбири.

## ИНТИЛИШЛАР САМАРАСИ

«Greenword» Ўзбекистон-Корея қўшма корхонаси Женевада ўтказилган анжуманда 60 га яқин компания каторида халқаро сифат юлдузи билан тақдирланди.

Бугун тadbirkorларнинг маҳаллий хомаш асосида тайёрлаётган маҳсулотлари дунё бозорига ўз ўрнини топмоқда ва муносиб баҳоламоқда.

Яқинда «Greenword» Ўзбекистон-Корея қўшма корхонаси Женевада ўтказилган анжуманда 60 га яқин компания каторида халқаро сифат юлдузи билан тақдирланди. Бу ютуқ осон қўлга киритилмади. Айни пайтда корхона ишлаб чиқарган маҳсулотни исталган дўкон пештахтасида учратиш мумкин. Мева шарбатлари тайёрлаш билан ном чиқарган корхона илгор хорижий технологиялар билан жиҳозланган. Айни пайтда шехларда мева шарбатларидан ташқари ёш болалар ва қариялар хуш кўрадиган махсус мева-пюре, турли сазавот консервалари, инсон танасини зарур миқдордаги йод билан таъминлаш қувватига эга маъдани сувлар ҳам ишлаб чиқаришмоқда. Уларнинг барчаси савдога қаришдан олдин юқори даражадаги лаборатория текширувларидан ўтказилади.

Корхона маҳсулотлари Россия, Беларусь, Жанубий Корея, Украина, Англия каби давлатларга экспорт қилинмоқда.

Корхона 2002 йилда 450 минг долларлик маҳсулот экспорт қилган бўлса, шу йилнинг тўққиз ойида бу кўрсаткич 650 минг АКШ долларини ташкил этди.

«Туркистон-пресс».

## Анжуман

# МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ

Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳозирги вақтда келиб жаҳон миқёсидаги долзарб муаммолардан бири бўлиб қолди. Шунинг учун сув захираларидан фойдаланишда тўлқинланган ижодий тажрибани ўрганиш, бу соҳада халқаро ҳамкорликни кенгайтиришнинг аҳамияти катта.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти сув ресурслари бўйича етук мутахассислар тайёрлаб, бу ишга муносиб ҳисса қўшмоқда. Бундай муҳим вазифани бажарётган олий ўқув қорихида гидрорахборот ва сув ресурслари ўқув марказининг ташкил этилиши ҳам янги мунддат бўлди. Марказ ўтган йили институт ва АКШнинг USAID ташкилоти томонидан барпо этилган эди ва унинг жамоаси Марказий Осиёда сув ресурслари соҳасида янги технологияларни ишлаб чиқиш, тадқиқотлар ўтказиш, сув ҳўжалиқлари учун ўқув машғулотлари уюштириш билан шуғулланмоқда. Айниқса, марказ сув ресурсларидан фойдаланишда катта ютуқларга эришган ва тажрибага эга бўлган хорижий мамлакатлар билан алоқаларни йўлга қўйишга алоҳида эътибор бермоқда. У кунча шу мақсадга қаратилган яна бир тadbirkor амалга оширди.

Марказ Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан биргаликда «Франция — Ўзбекистон институционал имкониятларни ривожлантириш ҳамкорлиги» мавзюда семинар уюштирди. Бундан асосий мақсад, Франциядаги Бордо университети, давлат ҳукумати хизмати ҳамда ТИХММИ ўртасида сув ресурсларидан мукамал фой-

даланишни яхшилаш соҳасида ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, уларни муҳофаза қилиш борасида биргаликда илмий ишлар олиб бориш, янги ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, ҳамкорлик доирасида амалий режа тузиш эди.

Ушбу учрашувда сув ресурслари соҳасида француз ва ўзбек олимлари томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқотлар шарҳланди, халқ килинишини қутавтган қатор муаммолар ва уларни ечиш йўллари биргаликда топилди тўғрисида сўз борди. Анжуманда сўзга қўшган институт ректори Ф. Оқназаров, Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси фан бўйича атташе-си Рожан Бубегира, Бордо университети профессори Феллиг Ле Костювер, Франция геология кўмитасининг илмий ходими Майкл Мотелика ва бошқалар сув ресурсларидан фойдаланишни яхшилашга қаратилган амалий алоқалар, иккала мамлакат учун ҳам ўзининг ижобий натижаларини беришига қатъий ишонч билдирилди. Шунинг учун ҳам ўзбек ва француз олимлари ўртасида ҳамкорлик ришталари ўрнатилишига қаратилган ҳамжihatлик меморандуми имзоланди.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ,  
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

## ШИФОКОРЛАР СИМПОЗИУМИ

Пойтахтдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида «Бактерияли касалликларни даволашнинг замонавий жиҳатлари» мавзюда халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Tadbirkor Словениянинг «КРКА» фармацевтик фирмаси томонидан ташкил этилди.

Анжуман Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш доирасида ўтказилди.

Таъкидлаш жоизки, ҳукуматимизнинг доимий эътибори, маҳаллий тиббий муассасаларнинг фаолияти ва хорижий ташкилотларнинг ёрдами туфайли мамлакатимизда тиббий хизмат кўрсатиш даражаси яхшиланимоқда. Шифокорлар анжуманида тиббиётнинг турли соҳалари вакиллари бўлган 150 нафар шифокор - педиатрлар, терапевтлар, гинекологлар, дерматологлар ва бошқа мутахассислар иштирок этди. Улар бактерияли касалликларга қарши курашининг замонавий муаммоларини муҳофиза қилди.

ЎЗА

## Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси кузурдаги Солиқ академиясида солиқ органлари кадрларини тайёрлаш тизимидаги таълим жараёнида янги педагогик технологияларни жорий этишнинг илмий асосларига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция бошланди.

# Янги педагогик ТЕХНОЛОГИЯЛАРГА БАФИШЛАНДИ

Солиқлар жамият эҳтиёжларини таъминлаш учун давлат томонидан қонунлаштирилган йўналиш бўлиб, мамлакат иқтисодиёти ривожига муҳим урнатиди. Мустақиллик йилларида миллий солиқ тизимини шакллантириш борасида талай чора-тадбирлар амалга оширилди. Тизимини малакали кадрлар билан таъминлашга ҳам

жиддий эътибор қаратилиб, Солиқ академияси, солиқ коллежлари ташкил этилди. Солиқ инспектори малакали молиячи, бухгалтер бўлиш билан бирга, тегишли қонунларни пухта эгаллаган, ўз ҳуқуқ ва масъулияти ҳамда солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини яхши билиши лозим. Шу билан бирга, мунозарга олиб бориш, ўз нуқтани назарини ҳимоя қилиш

қизлар ва кекса аёллар билан гап-лашганимизда, улардаги фирқалар кўлами, ватанини ардоқлаш ва у билан фахрланиш туйғуси, юртга муҳаббат бизни лол қолдирди.

Марказларда 5-8 ой ўқитилар экан. Биз битирувчилар билан учрашганимизда, уларнинг 70 фоизи ҳаётда ўз ўринларини топа олишлариға қўзғалир етажарини айтишди.

Маълум бўлишича, қисқа мунддатларда олинган билимлар натижасида аёлларнинг жамиятдаги фаоллиги ошмоқда экан. Бу ерда ҳеч бир аёл эътиборсиз қолмапти. Ҳар бир аёл ўзининг жамиятга керак эканлигини ҳис этиб яшамоқда.

Кореядаги хотин-қизлар марказлари раҳбарлари билан бўлган қатор суҳбатларда улар етакчи хотин-қизлар билан ишлашдан ташқари, ёшлар, эридан ажрашган аёллар, уларнинг ахлоқи, маънавияти, билим савияларини ошириш бўйича амалий ишлар қилаётганликларининг қиёвчи бўлди.

Сеул миллий университети, «Pwongtaek» талабалари ва профессор ўқитувчилари билан бўлган учрашувлардан қайтганимизда, «Ватан туйғуси» китобида ўқиганим қўйидаги сатрлар ёдимга тушди: «Миллий ифтихори кучли бўлган шахс, ўз мамлакатини билан фахрлана олади ва унинг тақдирини бағир қарай олай-

ди. Унинг эртаси бугунидан кўра мукамалроқ бўлишига интилади».

Биз мулоқотда бўлган ҳар бир корейлик ўз мамлакатини билан фахрланар, Кореянинг эртаси бугунидан порлоқ бўлиши ҳақида ишонч билан гапирарди...

Кенгиди вилоти ва Ҳанамиси тумани ҳокимликлари, «Hyondoo» машинасозлик компаниясида биз билан учрашувлар уюштирилди. Ана шунда Ўзбекистонда давлат даражасида эътибор берилиши Республикаси хотин-қизлар кўмитаси раиси, Бош вазир ўринбосари, жойлардаги хотин-қизлар кўмиталари раислари, вилоти ва туман ҳокимлари ўринбосарлари этиб тайинланганлиги ҳақида учрашув қатнашчиларига сўзлаб берганимизда, улар қарсак чалиб юборишди. Чунки, Кореяда хотин-қизлар ривожланиш марказлари ҳукумат таркибида эмас, балки жамоатчилик асосида фаолият кўрсатади.

Сафардан қайтар эканмиз, Кореяда ҳар бир хотин-қизнинг ўз ватани ва миллати раванқига дахлдорлигини англаб яшаётганлиги амин бўлди.

Бу ҳис корей аёлларининг эзгу нияти ва ҳар кунги амалий ишига айланган...

Кореялик дўгонларимизнинг ишлари ўзбек аёлларининг эзгу нияти билан уйғунлашиб кетгандай. Биз ҳам ўз ватанимизни жонимиздан ортиқ севадим. Азия ва гўзал юртимизга эътиқод билан яшаш, унга ҳақиқат сadoқатли бўлиш онгимизга, қон-қонимизга сингиб кетган.

Ҳанжиди ЗОКИРОВА,  
Қуйчирик тумани ҳокими ўринбосари,  
туман хотин-қизлар кўмитаси раиси.



# ЭЛГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ БАХТИ

Тошкент туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Искандар ФОЗИЛОВнинг портретига чизгилар

— Ука, — дер эди у кўпинча, — мен биламан, бир кун келиб, сен ҳам раҳбар бўласан. Ана шунда, ховликма, ётиги билан иш юритишни одат қил. Сира эсингдан чикарма, хўжаликнинг борини бор ё йўқ қиладиган ҳам деҳқон. Шунинг учун ҳаммиша улар орасида бўл, кўнгилларини олишга, яхши гаплар билан дилларини шод этишга ҳаракат қил. Сухбатлашганида юмшоқ гапир, камчиликни сезсанг, асосли қилиб тушунтир ва ишонтир. Яхши кунларида бирга бўлишга, дардларига, ташвишларига шерик бўлишга ҳаракат қил. Ана шунда уларнинг меҳрини қозонасан. Бир гапингни икки қилмайдиган бўладилар. Демакки, ўз-ўзидан хўжаликнинг ишлари юришади, иқтисоди мустаҳкамлана боради, ўйлаб қўйган режаларинг бирин-кетин амалга ошади.

Устози гўёки, башорат қилган эди. 1990 йилда хўжаликка янги раис сайлаш керак бўлиб қолди. Хизмат юзасидан мен ҳам шу йиғилишда қатнашдим. Раисликка икки номзод кўйилди. Искандарнинг номи айрилганда одамлар узоқ қарсақ қалдилар. Бу ишонч унинг кейинги фаолиятида туб бурилиш ясади. Тўғри, осон бўлмади. У ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиди, тиканли, сўқмоқли йўллари чидам билан босиб ўтди. Энг муҳими, муаммоларни, хўжалик иши билан боғлиқ бўлган масалаларни кўпинча ўз ақл-идроки, билимини ишга солиб, оқсоқоллар билан бамаслаҳат ечишга ва шу тариқа ҳаракат қилишга одатланди.

Сир эмас, хўжаликларда деҳқонларнинг турмуш кечиришида, тирикчилигини ўтказишда уларга бериладиган томорка ери алоҳида аҳамиятга эга. Лекин айрим хўжаликларда бу ишни атайин пайсалга соладилар. Деҳқоннинг, хўжалик аъзосининг аризаси бу ёқда қолади, ошна-огайнигарчиликка эрк берадилар. Кўп ҳолларда хўжаликка умуман алоқаси бўлмаган одамларга томорка инъом этилади.

Шу ўринда машҳур раис билан бўлиб ўтган воқеа эсга тушди. Унинг олдида вилоятда масъул лавозимда ишлайдиган бир раҳбар келади. У ер сўрайди.

— Майли, — дейди раис, — хўжалик аъзолари қатори сизга ҳам томорка бераман. Лекин бир шартим бор. Иморатни деҳқонлар қатори соласиз. Ҳашаматли қилиб, улардан ошириб юбормайсиз. Чунки, деҳқоннинг кўнгли ранжийди. Мен бундай бўлишини истайман.

Лекин, бу гап бояги одамга ёқмайди. Индамай кетади.

Искандар ҳам томорка беришда худди ана шу адолатли йўлни меzon қилиб олди. Шунинг учун биринчи қадамни бу соҳада қатъий тартиб ўрнатишдан бошлади. Биринчи навбатда зарур ва муҳтож деб топилганларга томорка берилишини йўлга қўйди. Бунга ўзим гувоҳ бўлганман. 1992 йилнинг кеч кузи эди. Искандар Фозилов билан келгуси режалар ҳақида суҳбатлашиб ўтирдик. Шу пайт у режанинг биринчиси деҳқонни ерли, уй-жойли қилиш деди-да, мени ташқарига бошлади. У ташқаридан турган ўн-ўн беш чоғли одамлар билан ҳар бирининг исмини айтиб бирма-бир сўрашиб чиқди. Шундан сўнг: — Юринлар, — деб уларни кўчанинг нариги бетига олиб ўтди. Бироз юргач, ҳосили йиғиб олинган сайхон ер келди. Мен ҳеч нарсани тушунолмади хайрон бўлиб турдим.

— Қани Қобил, — дея ер тақсимоти билан шуғулланувчи муҳандисга мурожаат қилди, — қўлингиздаги ҳужжат-қоғозларни бу ёққа ол-чи.

— Сизларнинг аризаларингизни кўриб чиқиб, ижобий ҳал этдик, — деди йиғилганларга. — Бошқарув қарорига асосан ҳар бирингизга томорка ери ажратдик. Мана бу ҳужжатда кимга қаердан ер берилганлиги ёзилиб, рақамлар кўйилган. Хурсандмисизлар?

Ҳамма бир овоздан миннатдорчилик билдирди.

— Лекин бир шартим бор, — деди шу пайт раис. — Яқингача қачон ер берилар-

(Давоми. Боши 1-бетда).



кан, деб юрардинглар. Мана, олдинглар. Ниятим ундан ўзларингиз фойдаланинглар. Баъзиларга ўшаб сотишни ўйламанг. Агар кимки сотса, барибир буюрмайди.

Раис бежиз айтмаган экан. Икки-уч киши кўзи очлик қилди. Ерни сотди. Лекин чапак чалиб қолдилар.

Мен раиснинг келгусидаги режаларининг биринчиси деҳқонни ерли, томорқали қилиш эканлигининг маъно-моҳиятини кейин тушундим. Томорқа бу худуд аҳолисининг катта даромад манбаига айланди. Ердан йилга икки, уч ҳосил олган хўжалик аъзолари қўшимча даромадга эга бўлдилар. Шунинг ҳисобига янги уй-жойлар, кўчалар барпо бўлди. Ҳамма ўзидан тинчиб қолди.

— Ўйлаб кўрсам, ўшандан буён 100 гектарга яқин ер хўжалик аъзоларига берилибди. 300 гектар ер шаҳар кенгайиши муносабати билан шаҳарга ўтиб кетди, — деган эди бир суҳбатимизда И. Фозилов. — Албатта, бу ҳам керак. Лекин, деҳқоннинг энг катта бойлиги — ер. Буни ҳам унутмаслик зарур. Хўжалигимизда ҳар қарч ернинг нақадар қадрланиши шундан. Шунинг учун биринчи кундан оқ томорка бериладими, ер участкаси ажратиладими, унинг соҳиби ўз аъзомиз бўлишига ҳаракат қилдим.

## II

Мен яқинда раис билан янгиликлар, олиб борилаётган хайрли ишлар тўғрисида суҳбатлашиб, батафсилроқ маълумотлар олиш учун хўжаликка эрта етиб бордим. Лекин бошқарув идорасидан уни тополмадим. Хона кўлф эди.

— Мен сизга айтсам, — деди идора ходимларидан бири, — у кишининг хоналарида ўтирганларини сира эслай олмайдиман. Келганларида зарур бўлса, бизларни бир хонага йиғиб, топшириқлар бўлса айтиб, тушунтириб сўнг кўпинча пастда одамлар орасида, қурилиш бўлаётган жойларда бўладилар.

Кейин билсам, раис Бекободга кетган экан. Аввалига хайрон бўлдим. У ерда нима қилади?

— Хабарингиз йўқми? — дейишди мена.

— Бекободда хўжаликнинг ери бор.

Дарвоқе, деҳқоннинг тирикчилиги ер билан. Уни бокса, қадласа, ер элни боқадди. Юқорида айтганимиздек, раис ўз фаолияти давомида ҳаммиша бунга амал қилиб келмоқда. Қанотини кенгроқ ёйишга интилади. Лекин хўжаликка тегишли ерларнинг каттагина ниятини топгандек, бир янгиликни тақлиф қилиб қолдилар.

— Бекобод тумани худудида ўзлаштирилмаган ерлар кўп, — дейишди улар. — Сизга ўша ердан жой берсак дегандик. У ерларни ўзлаштириб, экинзорга айлантириш қўлингиздан келади, бунинг учун сизда имконият бор, тажриба ҳам етарли.

Бундан мамнун бўлган Искандар Фозилов ўз фаолларидан уч-тўрт кишини ёнига олиб, Бекободга борди. Ажратиб берилган ерларни кўздан кечирди. Уни ўзлаштириш учун нима қилиш кераклиги, қандай техникалар зарурлиги ҳақида маслаҳатлашиб олдилар. Энг аввало, уларга олиб бориладиган йўлни текислашга, сошлашга киришдилар. Қисқа вақт ичида 200 машинадан ортиқ шағал олиб келиб, йўлларга ётқизилди. Барча қулайликларга эга бўлган шинам дала шийпони ишга тушди. Шу тариқа хўжаликнинг Бекободдаги даласида ҳам ишлар қизигандан қизиб кетди.

Тошкентнинг бир бурчагидан Бекободдаштира борган, тракторчилар, бульдозерчилар кечани кеча, кундузни кундуз демай, меҳнат қила бошладилар. Дастлаб 27 гектар ер ўзлаштирилди. Ҳозирги кунга келиб эса экин майдонлари 116 гектардан ошиб етди. Ана шу майдонларда

галла, сабзавот етиштириш йўлга қўйилди. Бу йил ҳар гектаридан 45 центнердан галла, 300-350 центнердан сабзавот ҳосили олинди. Даромад ҳам шунга яраша.

## III

Инсон меҳнат қилиб, даромад топгандан кейин шунга яраша яшаши, роҳатини кўриши, табиат инъом этган барча қулайликлардан, имкониятлардан фойдаланиши керак. Бу кўп жиҳатдан бошқарув фаолиятига боғлиқ. Раис буни кўп ўйларди. Ишлаб чиқариш изга тушди. Режалар бажариларди. Даромад ҳам бор. Демак, энди бу ниятга киришса бўлади. Шу тариқа у деҳқонларга барча шарт-шароитларни яратиб бериш, уларга тегишли меҳнат ҳақи ўз вақтида тўланишини таъминлаш билан бирга қишлоқни ободонлаштиришга, янги-янги қурилишларни амалга оширишга киришди.

Туман марказига яқин жойдаги катта кўчанинг чап томонида барча қулайликларга эга бўлган ўрта мактаб қурилиб, ишга туширилганда ота-оналар қанчалик хурсанд бўлганларига гувоҳ бўлганман. Ушанда улар раисга раҳмат айтиб, фарзандларимиз энди киш-қировли кунларда қийналмайдиган бўлиши, деган эдилар. Кўп ўтмай шу мактаб биносининг рўпарасида — кўчанинг ўнг томонида икки қаватли туғруқхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. Раис эса ўйлашдан, изланишдан чарчамасди. У хизмат юзасидан чет эл сафарларида бўлганда мактабларда таълим-тарбия ишлари билан алоҳида қизикарди. У томонларда болалар фақат бир сменада ўқитилишини кўриб, ҳавас қиларди. Нега бизда ҳам шундай бўлмаслиги керак, бунинг учун имконият топса бўлади-ку, дерди. Искандар Фозилов қидирди, имконият топди. Ўз фаолияти давомида бир неча мактаб қуриб ишга туширди. Ҳозирги кунга келиб бу мактабларда 2 мингдан ортиқ бола фақат бир сменада таълим олмақда. Бунинг фойдаси катта, фарзандлар билими пухта бўлади, ўқитувчилар хотиржам сабоқ берадилар, уйга барвақт қайтадилар. Хўжаликда боғча ва ясли қурилиши ҳам катта аҳамиятга моликдир.

Тани соғлиқ, туман бойлик дейдилар. Бошқарув ўз фаолияти давомида деҳқонларнинг, қишлоқ аҳолисининг соғлигини муҳофаза қилишга катта эътибор бермоқда. Олий маълумотли шифокорлар ишлайдиган янги поликлиника, касалхона, стоматология клиникаси улар хизматида.

— Биз буларни осмондан олиб қураётганимиз ёки обод қилаётганимиз йўқ, — деди раис. — Аввало, бу деҳқонларимизнинг, шу худуд аҳолисининг меҳнати маҳсули. Улар ерда ишлаб, даромад топишарди. Бу даромаднинг бир қисми ишлаб чиқаришни кенгайтириш, деҳқонларимизнинг моддий манфаатдорлигини таъминлашга сарфланаётган бўлса, қолгани юқоридаги мақсадларга ишлатилмоқда. Аслида, ислохотнинг мазмун-моҳияти ҳам шу эмасми?

## IV

Хўжалик худудиде тўртта маҳалла бор. Бошқарув бу маҳаллаларнинг ҳар бирига тенг назар билан қарайди. «Обод маҳалла йили» муносабати билан маҳаллаларда қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқ-

да. Ҳар бир маҳалла қўмитаси ўз биносига эга. Қисқа вақтда иккита янги газ тармоғи тортилди. Айни кунларда тоза ичимлик суви масаласи ҳам ҳал этилмоқда. Ҳозиргача анча масофага сув қувури ётқизилди. Раис тез-тез келиб, маҳаллаларда амалга оширилаётган ишлардан хабардор бўлиб туради. Нуронийлар, ёшлар билан суҳбат ўтказди. Кўп масала ва муаммоларга шу ернинг ўзида ечим топилади.

— «Обод маҳалла йили»да, — дейди худуддаги Алишер Навоий номли маҳалла оқсоқоли Эркин Фуломов, — бошқарув раиси ташаббуси билан маҳалламиздаги хонадонлар аҳволи, уларнинг рўзгор юртиш, болалар тарбияси, томорка ерларидан фойдаланиш борасидаги тажрибалари ўрганилди, намунали оилалар рўйхати олинди. Шунингдек, кам таъминланган оилалар ҳам эсдан чиқарилмади. Уларга амалий ёрдам кўрсатилди. Иккита ночор оиланинг фарзандлари тўйларини ўтказиб беришга кўмаклашилди. Шунингдек, уй қурилишини ниҳоясига етказолмаётган хонадонга ярим миллион сўм ёрдам кўрсатилди. Хуллас, айтаман десак гап кўп. Қишлоғимизда ободончилик ишлари кўлами тобора кенгаймоқда. Бу табиийки, хўжаликнинг ривожига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

## V

Мен раисдан навбатдаги режалари ҳақида сўрадим.

— Биласизми, инсон ҳаммиша изланишдан, интилишдан ўхтамаслиги зарур. Айниқса, раҳбар ўзидан нимадир қолдириши керак. Ҳаётдаги шиорим шу менинг. Лекин беш қўл баробар эмас экан, — деди бироз тин олиб.

Ҳаётда ҳар хил дунёқарашга эга бўлган одамлар бор. Бир воқеа мени янада астойдил ишлашга ундади: мактабдаги қурилишда бўлиб, қурувчилар билан суҳбатлашаётган эдик. Мени излаб тумандаги дурустгина ташкилотда раҳбар бўлиб, ишлайдиган биродарим келиб қолди. У мен билан ҳол-аҳвол сўрашиб бўлгач, четга тортди-да: «Искандар, хўжалигингиз ҳақиқатан ҳам ҳавас қилса арийдиган ҳолга келган. Ҳамма нарса муҳайё. Энди бу ёғига ўзингизни қийнамай, роҳат-фароғатда юрсангиз бўлади-ку» деб қолди.

Очиги, мен бундай «меҳрибонлик»дан ранжидим. Ҳақлим чиқди. Лекин сездирмасликка қаражат қилдим.

— Энди оғайни, — дедим ўзимни босиб, — мен қўл қовуштириб ўтиришни ёмон кўраман. Иш қилсам, чарчасам, роҳат қиламан.

У гапи ёқмаганлигини сездим. Тезда хайр-маъзур қилиб жўнаб қолди.

— Ана шунақа, — деди раис ва мени идора рўпарасидаги очик майдонга бошлаб борди.

— Оқсоқоллар билан маслаҳатлашиб, — деди у, — бу ерда болалар боғчаси, истироҳат боғи қурилиши мўлжалладик. Отаҳон ва онахонлар дам оладиган хоналар, сузиш ҳавзаси, болалар спорт мажмуаси, қисқаси, қишлоқ аҳлининг унумли меҳнатдан сўнг мириқиб ҳордик чиқаришлари, турли хил томоша ва концертлар кўришлари учун ҳамма имкониятлар яратилади. Лойиҳа бўйича бу қурилиш мажмуасига бир ярим миллиард сўм сарфланади. Кўриб турганингиздек, айрим ишлар бошлаб юборилди. Аминманки, келгусида бу ерда кўркам, ҳамма қулайликларга эга бўлган маскан бунёд этилади.

Мен хўжалиқдан қайтар эканман Искандар Фозиловдаги ғайрат ва ҳаракатга ҳавас қилдим. Ҳар қандай мураккаб шароитда ҳам муаммони ҳал этиш имкониятини қидирадиган, бунинг учун ўзида куч-ғайрат топа билладиган бундай инсонлар ҳаммиша бор бўлсин. Шунда ҳар бир хўжалик, корхонада ишлар юришади. Охир оқибатда халқнинг турмуш фаровонлигини яхшилашга эришилади. Аслида, бу ҳозирги замон талаби билан ишлайдиган раҳбар фаолиятининг мезонидир.

Носир РИХСИЕВ,  
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус муҳбири.



Ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Искандар Фозилов (юқорида, ўнгдан учинчи) фаоллар билан навбатдаги олиб бориладиган ободончилик ишлари хусусида суҳбатлашмоқда.

Хўжаликда (пастдаги суратлар) деҳқон оилаларини ижтимоий муҳофаза қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Нўғмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.



РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ

Тошкент ислом университетида янги жамғарма иш бошлады.

Олий ўқув юрти фаолиятини ривожлантириш масалалари билан бевосита шуғулланадиган мазкур жамғарма диний ва дунёвий фанларга оид ноёб адабиётларни ўқитиш ва тарғиб этишни ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Ўқув қўлланмалари ва адабиётларни нашрга тайёрлашда ҳам унинг хизмати катта бўлади. Жамғарма чет эл илмий муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйди.

ҲИНД АДИБАСИ БИЛАН УЧРАШУВ

Пойтахтдаги Ҳиндистон маданият марказида Ҳиндистон ташқи ишлар вазирининг рафиқаси Нилима Сингх билан учрашув ўтказилди.

Деҳли университетини битирган бу ижодкор болалар ёзувчиси бўлиб, Ҳиндистонда болалар адабиётини ривожлантиришга ўз хиссасини қўшиб келмоқда.

Уюшмасининг раиси Абдулла Орипов бошчилигидаги шоир ва ёзувчилар, Шарқшунослик институти ўқитувчилари, пойтахтдаги 140- ва 24-мактабларнинг ҳинд тили ўқитувчилари иштирок этишди.

КЎРГАЗМА ЯКУНЛАНДИ

Ҳиндистон ташқи ишлар вазир Яшвант Сингхнинг рафиқаси Нилима Сингх Ҳиндистонда машҳур бўлган, айни кунларда Тошкентда намоёни этилаётган «Мадҳубани хинд расомлари» кўргазмасини кўздан кечирди.

Ўзбекистон Бадий академияси ва Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси қошидаги маданият маркази томонидан ташкил этилган Мадҳубани кўргазмасидан Ҳиндистоннинг кўна тасвирий санъати ўрин олган.

кур санъатнинг ўзига хос жиҳати шундаки, асарлар асосан деворлар ёки ерга чизилганлиги билан ажралиб туради.

Турфа олам

ХУРПАЙГАН ВА БАТАРТИБ



Германия пойтахти Берлинда истиқомат қилувчи Карл Хайнц Хилле Карсон-ситида ўтказилган дунёдаги энг яхши соқол ва мўйлов эгаси 6-халқаро мусобақасида ғолиб чиқиб, жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди.

АНА СОЧ-У МАНА СОЧ

Вьетнамда истиқомат қилувчи 85 ёшли Хюин Конг Донг 33 йилдан буён сочига қайчи теккизмайди. Унинг эслашига, сартарошхонага охириги марта 1970 йили борган экан.

52 АСР МУЗ КАБРИДА



Бир гуруҳ олимлар денгиз сатҳидан 3278 метр баландликда жойлашган Италия-Австрия чегараси туманларидан бирида 12 йил муқаддам топилган «муз одам»ни тадқиқ қилишди.

САВОЛ БЕРИНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Шифохоналарни доридармонлар билан таъминлаш қандай йўлга қўйилган ва қайси тоифадаги беморларга дорилар бепул берилди?

Каримжон Раҳматов, Оққўрғон тумани.



Саволга вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Хамро Содиқов жавоб беради:

— Вилоят соғлиқни сақлаш тизимидаги даволаш-профилактика муассасаларини доридармон билан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг «Дори воситалари ва тиббий ускуналарни сотиб олиш ва улардан фойдаланишни тақомиллаштириш ҳамда назоратни кучайтириш тўғрисида»ги буйруғига асосан амалга оширилади.

Турмуш чорраҳаларида

Саидолим олти ёшида отадан, ўн ёшида онадан етим қолиб, қариндошларининг қўлида вояга етди.

Тоғасининг қўйини боқиб, янғасининг маломатини эшитиб, аммасининг танбехларидан хуноби ошиб улғайган бола феъл-атворидан беқарорлик рўй берди.

Ота-онасидан қолган хеш-акраболари уни ташлаб қўйишмади. Ҳатто болалигида жини суймаган янғаси ҳам унга ҳиммат кўрсатиб турди.

танлади. Қариндошлари кўмагида уйланди. Инсонга умрининг қайсидир палласида давлат ҳам бераркан, уни ушлаб қолганини неча бор галвирдек тешиб ўтгани, ўқитгани унинг фақат ўзига аён.

Ҳатто шахсий ошпаз ёллашди. Буни қарангки, омад кетидан омад эргашиб, уларнинг осмонидан чалпақ ёғаверди.

Қариндошларини илгаригидек йўқламайдиган, йигинларга чакирмайдиган бўлди. Камсуқум Эъзоохон ҳақиқий тиллапарастга айланди.

Қариндошларини илгаригидек йўқламайдиган, йигинларга чакирмайдиган бўлди. Камсуқум Эъзоохон ҳақиқий тиллапарастга айланди.

Қариндошларини илгаригидек йўқламайдиган, йигинларга чакирмайдиган бўлди. Камсуқум Эъзоохон ҳақиқий тиллапарастга айланди.

Қариндошларини илгаригидек йўқламайдиган, йигинларга чакирмайдиган бўлди. Камсуқум Эъзоохон ҳақиқий тиллапарастга айланди.

Қариндошларини илгаригидек йўқламайдиган, йигинларга чакирмайдиган бўлди. Камсуқум Эъзоохон ҳақиқий тиллапарастга айланди.

Қариндошларини илгаригидек йўқламайдиган, йигинларга чакирмайдиган бўлди. Камсуқум Эъзоохон ҳақиқий тиллапарастга айланди.

Қариндошларини илгаригидек йўқламайдиган, йигинларга чакирмайдиган бўлди. Камсуқум Эъзоохон ҳақиқий тиллапарастга айланди.

СУРАТИ МИРЗО-Ю, СИЙРАТИ...

сари бўлганда эндигина ўттизи қоралаган норғул йигит эди. У хотини Эъзоохонни сирдан қўшига киритиб қўйди.

Қариндошларини илгаригидек йўқламайдиган, йигинларга чакирмайдиган бўлди. Камсуқум Эъзоохон ҳақиқий тиллапарастга айланди.

Қариндошларини илгаригидек йўқламайдиган, йигинларга чакирмайдиган бўлди. Камсуқум Эъзоохон ҳақиқий тиллапарастга айланди.

Қўлганга Нима Етсин!

— Маслаҳатимга кўнсангиз, унга борманг. Миллбери жуда нўноқ нотик.

Профессор: — 1565 йилда нима бўлган? Талаба: — Шекспир туғилган.

Профессор: — 1566 йилда-чи? Талаба: — Шекспир 1 ёшга тўлган.

Профессор: — Деворлар товуш ўтказмайдими? Меҳмонхона ходимаси: — Ўтказмайди шекилли. Бироқ, кейинги хонада бир хонанда қиз яшайди.

Профессор: — Нима, у кун бўйи машқ қиладими? Ходима: — Ҳа, лекин, хавотирланманг, чунки, қаршингизда турмуш пианиночи унга йўл бермайди.

Профессор: — Ҳали пианиночи ҳам борми? Ходима: — Асло ташвишланманг. Деразангиз яқинидаги репродукторнинг овозидан уларнинг ҳеч бири эшитилмайди.

Икки киши трамвайда сўхбатлашиб қолди.

— Сиз Миллбери маърузасига кетяпсизми? — сўради улардан бири.

— Ҳа, — жавоб берди иккинчиси.

— Бормасам бўлмайди. Чунки, мен Миллбериман.

Сканворд

Сканворд сўзлари ва ҳақиқатлар. Мақсад, Шодлик, Соғал кўза, хумча, Ўзбек ҳалқ кўйи, Пойтахт — Вьетнам, Кўпқари, Бутун боринг, Нашриёт номи, Торли тирнама чодғу асбоби, Шахмат зағи ҳолат, Мебел турчи, Ҳинд шоирч... Деҳ-асбий, Нархлар кўрсаткичи, Авица РҶУМЦИ, Ванилин оқина-эстик эсиманик, Бир меҳорат, минта-эсим, Мишай эстик кийим, Марказ Рақбар, Исми, Жоиэ, муносаб, Геодесия бўлими, Ҳўроз бошидаги усимта, Ўн биринчи йўлчи йили, Бўйди, етар, Бойтик эстиг-чидаги бўйди, Фарбий Сўбиди зағи дарв.

Тузувчи: Ақромжон ХУҶАМОВ.

СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ

«Хитой — 2004»: ТЕРМА ЖАМОАМИЗ — ПЕШҚАДАМ

2004 йили Хитойда ўтайдиган Осиё чемпионатининг финал босқичига йўлланма берадиган саралаш баҳсларининг Тошкент босқичида «А» гуруҳидаги Ўзбекистон, Тожикистон, Санган ва Таиланд миллий терма жамоалари баҳс юришти.

Ўзбекистон миллий терма жамоаси дастлабки икки учрашувда Санган футболчиларини 4:1, Таиландни эса, 3:0 ҳисобида мағлуб этиб, тожикистонликлар билан бўлган сўнги учрашувни дуранг натижа билан якунлади.

Шу турда Санган футболчилари таиландликларни 2:1 ҳисобида мағлуб этиб, 4 очко билан учинчи ўринга кўтарибдилар. Тошкентга беш очкони режа қилиб келган таиландлик футболчилар эса биронта ҳам очко олмадилар.

Мамлакатимиз терма жамоаси 7 очко тўплаб, гуруҳда яқка пешқадамлик қилмоқда. 5 очко жамғарган тожикистонлик футболчилар иккинчи ўринни банд этганлар.

Саралаш учрашувларининг иккинчи давра ўйинлари Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида 17-21 ноябрь кунлари бўлиб ўтади.

АДАБИЙ БОШҚОТИРМАЛАР

Тилимизда икки томондан ҳам бир хил ўқиладиган сўзлар учрайди.

Нон, сас, боб, тот, лол; Қизиқ, қипиқ, қуллук, қуруқ, қудук, қовоқ, қучук, арра, кийик, икки...

Хотиранингизни мустаҳкамлаш учун янги мисоллар топиб, бизга юборинг.

Вир неча ҳарфдан иборат оддий исм. Дейлик: ИСФАНДИЕР. Бу исмдаги ҳарфлардан бир неча сўз «ясаш» мумкин: ис, фан, диёр, ёр, риё, синф, саф, нафис...

Улардан яна қандай сўзлар «ясаш» имконияти бор?

Зангиота туманидаги ҳусусий тадбиркор Азиз Абдуваҳобович Абдулов номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Мақтуба Тўхтаева Абдуллаева номига 1998 йил 28 апрелда берилган 15-03/851 рақамли муваққат ордери йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Чирчиқ шаҳридаги 8-урта мактаб томонидан 1995 йилда Доведенко Алексей Александрович номига берилган АО 227577 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ВАКИЛЛАРИМИЗ — ФИНАЛДА

Фахрийлар ўртасида Ўзбекистон футбол федерацияси кубоги учун ўтказилаётган баҳсларда финалчи жамоалар номи маълум бўлди.

Асосан, дўрмонликлардан ташқил топган вилоятимиз фахрий футболчилари Кўконда жавоб учрашувини ўтказишб. 2:1 ҳисобида ғалабага эришдилар.

Ушбу муваффақиятда 58 ёшли Жамолiddин Рустамовнинг қўшган хиссаси салмоқли бўлди. Учрашувдаги ҳал қилувчи тўпни ҳам дарвозага у киритди.

Шундай қилиб, бугун бўлиб ўтадиган финал босқичи беллашувида пойтахт ва вилоятимиз футбол фахрийлари «Пахтакор» марказий ўйингоҳида яна бир бор ўзаро куч санашадилар.

Воҳид БОЙМУРОДОВ.

Утеранный кадастровый документ за №9-177/2001 на здание и государственный ордер 647 000 «ДЖК БУНИЁД» СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.

Ташкент вилояти судлари жамоалари жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Қуйичирик туман судининг раиси Қобил Комилевич Атахановга Олим АТАХАНОВНИНГ бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди жамоаси вилоят судининг собиқ ходими Икром Очиловга падалири бузуқворли БЕАХРОМЖОН ОТАНИНГ вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТДА ПРАВДА

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48

Маълумоти: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган.